

ТОВАР МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИНИ ЎТКАЗИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИЛИШИ

Ханбаева Гулноза

Наманган муҳандислик-технология
институтининг эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг товар моддий захиралари инвентаризациясининг мақсади, вазифалари ҳамда ўтказиш тартиби тадқиқ қилинган бўлиб, бухгалтерия ҳисобининг меъёрий ҳужжатлари талаблари бажарилиши билан бирга хўжалик субъекти фаолияти учун аҳамияти ҳам батафсил очиқ берилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, товар моддий захиралар, инвентаризация, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.


Аннотация: В статье изучены цель, задачи и порядок проведения инвентаризации товарно-материальных запасов хозяйствующих субъектов, а также раскрыто значение для деятельности экономического субъекта, наряду с выполнением требований правил бухгалтерского учета. в деталях.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, товарные запасы, запасы, национальные стандарты бухгалтерского учета.

Ҳозирги интеграциялашув, глобаллашув ва ривожланиш даврида мулкчиликка бўлган эътибор натижасида давлат улушидаги корхоналар кам сонларда қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги кунда инвентаризациянинг энг асосий мақсади қилиб, жаҳон бозорларидаги янги турдаги ТМЗлар, воситалар, янги пул воситалари каби моддий бойликлар билан қуролланиш учун уларнинг мавжудлигини ўрганиш сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ТМЗлар асосий воситалар каби кам сонли кўринишлар ва турлардан ташкил топмаган, ТМЗларни узоқ муддатли активлардан фарқланадиган муҳим жиҳатларидан бири уларни тур ва кўринишларидаги фарқлардир. Бу

мулоҳазанинг мазмуни шундан иборатки, инвентаризация ишларида ўрганилаётган манбааларни аниқлик ва шаффофлигини, корхона раҳбари, бухгалтери ва масъул шахснинг моддий бойликларга бўлган қонуний муносабатини таъминлашни англатади. ТМЗларни инвентаризациянинг ташкил қилишнинг стандарт асоси бўлиб, **19-сон БҲМС** Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ҳисобланади.¹



Инвентаризациянинг мақсадлари "Бухгалтерия ҳисоби"даги ҳақиқатда мавжудлигини, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс қилиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди. Инвентаризациянинг асосий мақсадлари қуйидаги 1-схемада келтирилади².

Юқоридаги схема анъанавий бюджет муассасалари ва давлат улушига эга бўлган корхоналарда мавжуд мол-мулкларни таққослаш, солиштириш йўллари орқали мулкни мавжудлигини аниқланади, ҳисобда акс эттирилганлигини текширилади. Лекин мол-мулкларни фойдалилик муддати қачон тугаши, уларни қачон янгиларига алмаширилиши ёки кам чиққан асосий восита, ТМЗларни ўрнини қоплаш масалалари очиқлигича қолиб кетарди. Уларни омбор бўйича масъул шахс томонидан тузилган ҳисобот ёки инвентаризация ўтказилаган далолатномалар орқали акс эттирилиб келинган. Ривожланган корхона сифатида бозорда ўзини намоён қилиш асоси шундаки,

¹ Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.11.1999 й. 833, Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан Тасдиқланган 19.10.1999 й. N эг/17-19-2075

² Ушбу схема №19- сон БҲМСда ёзма шаклда 2-бетда келтирилган.

бундай корхоналар замон технологиялари билан қуролланган, замон ТМЗларига эга, замон талабларига жавоб берувчи етук мутахассислари билан рақобатга кириша оладилар. Ўз навбатида корхоналар ўз мулки эвазига шаклланганда раҳбар учун, бухгалтер учун, омборчи учун янги турдаги масъулиятларни юкланиши табиий ҳол ҳисобланади. Бу масъулиятлар юритилаётган бухгалтерия миллий стандарларида ўз аксини топмай қолиши мумкин. Янги масъулиятлар ишлаб чиқариш, химат кўрсатиш ва иш барувчи корхоналарда янги лавозим талабларини вужуд келтиради. Янги лавозим талаблари эса корхонада ўтказиладиган инвентарлаш жараёнинг янги мақсадлари белгилади. Масалан корхона моддий жавобгар шахси омбор хўжалиги тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерига топширади, лекин корхона учун моддий бойликлар ва бошқа активлар учун жавобгар шахс (раҳбар) ҳисобот маълумотларни ўз ватида билмай қолади. Натижада янгиланиши керак бўлган воситалар, ТМЗлари то инвентаризациялаш жараёни келгунига қадар ўзгаришсиз қолади, оқибатида ишлаб чиқаришга кескин таъсир кўрсатади.

Юқоридаги схемани амалиётдаги тадбиғини барча соҳалар бўйича кўришимиз мумкин, тадқиқот натижалари асосида қуйидагича қўшимчалар киритишни лозим деб топдик ва уни қуйидаги 2- схемада келтираемиз:



2- Схема: Инвентаризациялашнинг асосий мақсадлари

Жойлашган ери ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектнинг барча мол-мулки инвентарланиши керак. **Қуйидаги ҳолларда инвентарлаш ўтказилиши шарт:**

- мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек, давлат корхонаси ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) чоғда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда;

- йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, инвентарлаш ҳисобот йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулкдан ташқари³.

Таклиф қилинаётган манбаа шундан иборатки, йиллик молиявий ҳисоботларни тузишдан ташқари кичик бизнес субъектлар ҳар чорақда ўз фаолиятлар ҳақида ҳисоботлар тайёрлайдилар, инвентаризациялаш тўғрисидаги ушбу БҲМС талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги корхоналар ҳар чорақда инвентарлаш жараёнини ўтказишлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.11.1999 й. 833, Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан Тасдиқланган 19.10.1999 й. N эг/17-19-2075
2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли «Асосий воситалар» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган) (Ўзбекистон

³ Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.11.1999 й. 833, Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан Тасдиқланган 19.10.1999 й. N эг/17-19-2075

Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 14 июндаги жк/03-04-04/287-сонли «5-сонли БХМС бюджет ташкилотларида қўллаш тўғрисида»ги хати).

3. ЎРҚ-508-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Тошкент ш., 2018 йил 24 декабрь

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125- сонли буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»(ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 октябрда 3078-сон билан рўйхатга олинди)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий курсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сонли қарори

6. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (2008 йил 1 январдан киритилган узгаришлар) -Т.: «Iqtisod-moliya», 2008.

7. Турсунов У.С. The importance of the audit of leasing operations on farms of the Republic of Uzbekistan. // AIP Conference Proceedings. Volume 2789. Problems in the Textile and Light Industry in the Context of Integration of Science and Industry and Ways to Solve Them (PTLICISIWS-2022)

8. Ishimbayev R.N. Competitiveness of small business // Science and innovation

9. Ишимбаев Р.Н. Методические подходы к оценке конкурентоспособности малого бизнеса. // Eurasian journal of law, finance and applied sciences Vol 2 Issue 12, November 2022